



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил

7 ноябрь
шанба

Сотувда эркин нархда
№ 221 (2002)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

ТОШКЕНТДА ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ 155-СЕССИЯСИНИНГ ЯКУНИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ



6 ноябрь кuni пойтахтдаги "Интерконтинентал" меҳмонхонасининг Амир Темур залида ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши бўлиб ўтди.

155-сессия 19 октябрь кuni Парижда очилган эди. Унинг асосий мавзуи "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 50 йиллиги, оқилом бурчи ва ҳушёрлик зарурияти — қўлликдан инсон қадр-қиммати-нинг тикланиши сари", деб белгиланган эди. Сессияда ЮНЕСКО Бош конференцияси томонидан қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот матбузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақида бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги ҳамлама матбуза, иккинчиси — "Дунёвий

маданият йўлида" деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида эди ва улар Париждаги йиғилишда қабул қилинди. Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган "Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аҳоли-мамлакатлардаги фаолияти" деб номланган қарор лойиҳаси бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ижроия Кенгаш қарорлари рўйхатига 9.6 банд этиб киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йиғилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди. Сессиянинг якуний йиғилишини ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига ЮНЕСКО томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти

ҳақида гапирар экан, унинг дунёвий маданият шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжат муҳокама-сини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўччилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Шундан сўнг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўз берди. У ЮНЕСКО сессиясининг якуний йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдиргани учун Президент Ислам Каримовга анжуман қатнашчилари ва ташкилот номидан миннатдорлик билдирди. «Мен, — деб таъкидлади ўз сўзида Ф.Майор, — Ўзбекистон халқи бошидан кечи-раёт-

ган бутунги мураккаб ўтиш даврида фан ва маданият, маънавий равнақига қўшаётган улкан хизматларини эътиборга олади. Сизга миннатдорлик билдираман. Чунки Сиз маънавиятни тиклашдагина эмас, уни ёш авлодга синдиришда ҳам катта хизмат қилмоқдасиз». Ф.Майор ЮНЕСКО фаолияти ҳақида гапириб, унинг тинчликни сақлашда фан, таълим ва маданиятни асос қилиб олгани Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсат билан ҳамоханг эканига эътибор қаратди. Президент Ислам Каримовнинг "Биз келажакнинг пойдеворини қўймоқдамиз", деган сўзларини эслади ва бунга мисол қилиб Ўзбекистонда таълим, фан ва маънавий соҳа-сида эришилган ютуқларни келтирди. Ўзбекистон таърихи

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО ИЖРОИЯ КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИНГ 155-ЯКУНЛОВЧИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Хурматли Ижроия Кенгаши раиси!
Муҳтарам Бош директор — Федерико Майор жаноблари!
Хонимлар ва жаноблар! ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилишида ўзбекистонлик делегация аъзолари Тошкентдаги "Интерконтинентал" меҳмонхона-сининг Амир Темур залида 6 ноябрь кuni 155-сессиясининг якуний йиғилишида қабул қилинган ЮНЕСКО фаолият дастурларининг бажарилишига оид ҳисобот матбузаси ва турли ташкилий масалалардан ташқари, дунёвий маданият равнақида бағишланган учта ҳужжат қабул қилиниши мўлжалланган эди. Биринчи ҳужжат БМТ учун мўлжалланган дунёвий маданият ҳақидаги ҳамлама матбуза, иккинчиси — "Дунёвий

маданият йўлида" деб номланган соҳалараро лойиҳанинг баҳоланиши ҳақида эди ва улар Париждаги йиғилишда қабул қилинди. Учинчи ҳужжат эса Ўзбекистон томонидан таклиф қилинган "Дунёвий маданият ва ЮНЕСКОнинг аҳоли-мамлакатлардаги фаолияти" деб номланган қарор лойиҳаси бўлди. Ўзбекистон ҳукуматининг таклифига биноан Ижроия Кенгаш қарорлари рўйхатига 9.6 банд этиб киритилган бу ҳужжат лойиҳаси 155-сессиянинг Тошкентда ўтадиган якуний йиғилишида қабул қилиниши мўлжалланган эди. Сессиянинг якуний йиғилишини ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки очди. Раис сессия кун тартибига ЮНЕСКО томонидан киритилган ҳужжатнинг аҳамияти

ҳақида гапирар экан, унинг дунёвий маданият шаклланишида муҳим омиллардан бири бўлиб қолишини таъкидлади. Шунингдек, ҳужжат муҳокама-сини Ўзбекистонда ўтказиш таклифи кўччилик томонидан мамнуният билан қабул қилинганини қайд этди. Сессияда Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади. Шундан сўнг ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор сўз берди. У ЮНЕСКО сессиясининг якуний йиғилишини Ўзбекистонда ўтказиш таклифини билдиргани учун Президент Ислам Каримовга анжуман қатнашчилари ва ташкилот номидан миннатдорлик билдирди. «Мен, — деб таъкидлади ўз сўзида Ф.Майор, — Ўзбекистон халқи бошидан кечи-раёт-

ган бутунги мураккаб ўтиш даврида фан ва маданият, маънавий равнақига қўшаётган улкан хизматларини эътиборга олади. Сизга миннатдорлик билдираман. Чунки Сиз маънавиятни тиклашдагина эмас, уни ёш авлодга синдиришда ҳам катта хизмат қилмоқдасиз». Ф.Майор ЮНЕСКО фаолияти ҳақида гапириб, унинг тинчликни сақлашда фан, таълим ва маданиятни асос қилиб олгани Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган сиёсат билан ҳамоханг эканига эътибор қаратди. Президент Ислам Каримовнинг "Биз келажакнинг пойдеворини қўймоқдамиз", деган сўзларини эслади ва бунга мисол қилиб Ўзбекистонда таълим, фан ва маънавий соҳа-сида эришилган ютуқларни келтирди. Ўзбекистон таърихи

(Давоми 2-бетда).

ПРЕЗИДЕНТ ХУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 ноябрь кuni ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ва ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар билан кўришиб турганидан мамнуният изҳор этар экан, Ф.Майорнинг Ўзбекистонга келишига сабаб бўлган воқеа — ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-кучма сессиясининг якуний йиғилишига тўхтади. — Тошкентда нуфузли халқаро ташкилотларнинг кўчма мажлислари кўп ўтказилди, — деди Ислам Каримов. — Лекин улар орасида ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг анжумани алоҳида ўрин тутди. Бу ташкилот бутун дунёда бўлган сингари Ўзбекистонда ҳам катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозongan. Ўзaro алоқалари кел-сак, ҳамкорлик алоқалари ўрна-тилганидан бери кўп вақт ўтма-ган бўлса-да, жуда кўп ва кат-та ишлар қилинди. Биргалик-да амалга оширилган тадбир-лар рўйхатига назар ташлаган киши бу ҳамкорликнинг не-чоғли равнақ топонига гувоҳ бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқалари жуда кенг ва сер-қирралidir. ЮНЕСКО Бош кон-ференциясининг 1997 йилда бўлган 29-сессиясида Ўзбеки-стон унинг бошқарув органи — Ижроия Кенгашига аъзо этиб сайлангани, ўша йили ушбу ташкилот раҳнамолиги остида юртимизда ўтказилган XII Хал-қаро Тошкент кинофестивали ҳамда "Шарқ тароналари" му-

сиқа фестивали ўзaro муноса-батлар тарихидаги энг ёрқин саҳифалардир. Бундан таш-қари, ЮНЕСКО билан ҳам-корликда Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йил-лиги, бобокалонимиз Мирзо Улугбек таваллудининг 600 йиллиги, Бухоро ва Хива ша-ҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро тадбирлар катта муваффақият билан ўтди. Яқинда эса икки улут аллома Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғо-нийнинг 1200 йиллик юбилей-лари кенг нишонланди.

Президент Ислам Каримов ЮНЕСКО раҳбарлари билан учрашувда ўзaro муносабат-ларнинг жадал ривожланиб бо-раётганини таъкидлаб, ҳамкор-лик алоқалар кўлами бундан буён ҳам кенгайиб боравери-шига умид билдирди.

ЮНЕСКО Бош директори Ф.Майор кўрсатилган самими-ят ва эҳтиром учун мамлака-тимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Сўхбат чоғида ўзaro ҳамкор-лики янада ривожлантири-ша оид, шунингдек, ЮНЕСКО Ижроия Кенгашининг Тошкент-даги анжумани кўн тартибига-ги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош ва-зир ўринбосари Ҳ.Кароматов, таъки ишлар вазири А.Комилов иштирок этди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЮНЕСКО МЕДАЛИНИ ТОПШИРИШ МАРОСИМИДАГИ НУТҚИ

Муҳтарам Бош дирек-тор Федерико Майор жа-ноблари!
Муҳтарам раис!
Муҳтарам Ижроия Кен-гаши аъзолари!
Хонимлар ва жаноблар! Аввало мени ЮНЕСКО-нинг юксак мукофоти — халқаро Абу Али ибн Сино олтин медали билан таъкидлагани учун ЮНЕСКОга кексиз мин-натдорлик изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Ушбу медалнинг орадан минг йиллар ўтса ҳам Шарқу Фарбонг барча маърифат-ли кишилари ҳамон ҳур-мат-эҳтиром билан тилга оладиган буюк ватандо-

шим номи билан аталиши-нинг ўзи мен учун катта маъно касб этади. Фан ва тафаккурнинг кўп соҳалари-да башариятга бебаҳо мерос қолдирган буюк қомусчи олим номи билан аталувчи медалъ соҳиби бўлганим бил-лан мен беҳад фахрланаман. Абу Али ибн Сино ора-дан ўн аср ўтса ҳам ноёб қиммати ва илмий аҳамия-тини йўқотмаган "Тиб қонунлари" асари билан ўзига ўлмас ҳайкал қўйиб кетди.

Федерико Майор жаноб-лари!

Мазкур медални Сизнинг, миллион-миллион кишилар онгида интеллектуал тафак-


кур ва инсоният ўз тарихи мобайнида яратган маъна-вий мерос, юксак инсонлар-варлик гоғялари, тинчлик ва адолат рамзи бўлиб шакл-ланган ЮНЕСКО Бош ди-ректорининг қўлидан олаёт-ганим менга, айниқса, кат-та қувонч бағишлайди. Муҳтарам Ижроия Кен-гаши аъзолари!
Қадри дўстлар!
Бу олий мукофот энг ав-вало кўп миллатли халқи-мизнинг умумбашарий ци-визизация тараққиётига қўшган ҳиссаси ва хизмати-нинг тан олинниши, тарихий, маданий, маънавий мерос-ни асраб-авайлаш, мамла-катимизда жамиятни маъна-

вий ва ахлоқий жиҳатдан юксалтириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқи-мизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз, ту-манизм гоғяларига ҳурма-тимиз, эътиқодимизнинг муносиб баҳосидир. Ушбу юксак гоғялар тантанаси учун мен бун-дан кейин ҳам бор куч-гайратимни аямайман. Юксак мукофот учун барчангизга яна бир бор ўз миннатдорлигимни билдираман.

фаолияти билан танишди. ЮНЕСКО делегацияси аъзолари пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Миллий бонига ташриф бу-юриб, шеърят мулкнинг султони ва буюк давлат ар-боби Алишер Навоий ҳай-кали пойига гул қўйди. Шу кuni ЮНЕСКО де-легацияси аъзолари Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига ҳам бўлди-лар. Бу ерда инсон ҳуқуқлари, тинчлик, демок-ратия ва бағрикенглик ЮНЕСКО кафедрасини ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Ҳужжат-ни Ўзбекистон Республи-каси таъки ишлар вази-ри, мазкур университет ректори Абдуллозиз Коми-лов ва ЮНЕСКО Бош ди-ректори Федерико Майор имзолади.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВГА ЮНЕСКОНИНГ ОЛТИН МЕДАЛИ ТОПШИРИЛДИ



ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган якуний йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга ташкилотнинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали топширилди.

ЮНЕСКО Бош дирек-тори Федерико Майор ме-дални тақдим этар экан, давлатимиз раҳбари халқ-аро доирода инсон иде-алларини улуғлаш, мада-ний қадриятларни асраб-авайлаш, илмий меросни ўрганиш борасидаги хиз-матлари учун бу мукофот-га сазовор бўлганини таъ-кидлади.

— Президент Ислам Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ўзининг шо-ли ўтмишини ҳам очмоқ-да, — деди у. — Порлоқ келажакка юз тутган мам-лакатда демократия тамой-иллари мустақамланмоқ-да, миллий қадриятларга эса қойта жон бағишлан-моқда.

Давлатимиз раҳбари шундай нуфузли ташкилот-нинг мукофотига муносиб деб топилиганидан мамну-ният изҳор этиб, улуг ал-лома бўлган ватандоши-миз Абу Али ибн Сино номи билан аталган маз-кур халқаро мукофот ўзи учун катта шараф экани-ни таъкидлади.

— Бу олий мукофот, — деди Ислам Каримов, — энг аввало кўп миллатли

халқимизнинг умумбаша-рий цивилизация тарақ-қиётига қўшган ҳиссаси ва хизматининг тан оли-ниши, тарихий, маданий, маънавий меросни асраб-авайлаш, мамлакатимиз-да жамиятни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан юксал-тириш, соғлом ва комил авлодни тарбиялаб вояга етказиш, қисқача қилиб айтганда, халқимизни маърифат йўлига бошлаш борасидаги саъй-ҳаракат-ларимиз, гуманизм гоғяла-рига ҳурматимиз, эътиқо-димизнинг муносиб баҳо-сидир.

Мамлакатимиз Прези-дентининг ЮНЕСКО ол-тин медалига сазовор бўлиши, ҳақиқатан ҳам, халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистон ижтимоий ва маданий ҳаётида кечаёт-ган улкан ўзгоришларни эътироф этишдан доло-латдир. Зеро, мустақил-ликка эришганига отиғи етти йил тўлган мамла-катнинг иқтисодиёт, сиё-сат ва бошқа муҳим со-ҳалар билан бир мил-лий қадриятларга ҳам катта эътибор қаратаёт-гани, шубҳасиз, ташхига лойиқдир.

(ЎзА)
Абдувоҳид ТўРАЕВ
олган сурат.

Биринчи
хикоя

Бобо кўёш, момо ойу сонсиз юлдузлар гувоҳ, она замин шоҳид. Қалим Турон фарзандалари ўз юртининг зарлан-да қадри ҳар сиқим тулроғи учун жон беришган. Қалбида БАТАН дея аталмиш ёруғ тушунча тўтовсиз жўш урган беназир аждодаларимизнинг мазкур анъаналари истиқлол насимларидан нафас олиб улғаяётган бутунги авлод дарида қайта тикланаётган десак муболага бўлмас. Навқиронликдек олтин даврларини Ватан ҳимоясига бахшида этаётган аскарлар ҳузурда бўлиб, уларнинг руҳидаги тетиклик, қўзғилишдаги шиддат ва келажаққа ишонч нурларини кўрганамизда бунга яна бир бор амин бўлдим.

Армия техник жиҳатдан чексиз куч-қудратга эга бўлиши мумкин. Аммо унда хизмат қилувчиларнинг маънавий савиялари юксак, билим ва кўникмалари талаб даражасида бўлмас экан, бундай армияни чинакам қудратли дея олмаймиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳар бир «Н» ҳарбий қисм бўлинишида маънавият ва маърифат хонаси ташкил этилган бўлиб, унда шонли тарихимиздан тортиб, сўнгги йилларда юз берган ўзгаришлар, йўлбошчимиз фаолияти, давлат рамзлари, мамлакатимиз ҳудудий, нуфузлий тузиллишлари билан боғлиқ датила лавҳалар ўз аксини топади.

Қисм командирининг муовини, зобит Тоҳир Жўраевни суҳбатга тортганимда у киши жилмайиб:

— Юз марта эшитганидан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Яхшиси, ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул, — деди.

Шундан сўнг ҳарбий қисм бўйлаб биргаликда айландик. Қутубхонага кирдик. Анчагина китоб жамғармасига эга бўлган

ЮРТ БАЙРОҒИНИ ЎЎТГАНЛАР

ушбу маънавий ўчоғида зобитлар ва аскарлар гавжум. Қутубхона мудариси Фазилат Акромова хушмуомалалик билан уларга зарур китобларни тақдим этмоқда.

— Аскарлар ҳар кун шу нақа кўп ташриф буюрадиларми? — сўрайман Фазилатдан.

— Шанба, якшанба кунлари мана шунақа гавжум бўлади. Чунки бошқа кунлари аскарлар ҳам, зобитлар ҳам жанговар хизматга чиқишади...

Аскарлар билан олиб борилаётган «Умумий сиёсий тайёргарлик», «Ижтимоий-сиёсий ахборот» дарслари ҳам талаб даражасида ўтказилмоқда. Матруф Абдуллаев, Нурлан Иманов, Аббор Нурматов каби зобитлар мазкур дарсларни олдиндан тайёрланган режа асосида оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ташкил этиб, Ўзбекистон ва

Қаҳратоннинг қаҳри кучайган давлар. Бетўхтов изғирин юзингизни чимчилаганда этингиз уюшиб кетади. Аммо бу изғирини Қим бобонинг қаҳлари постда турган соқчи-аскар учун писанд эмас...

Саратоннинг қок ўртаси. Тикка кўтарилаган кўш нурлари борлиқни кўйдирмади дейди. Шундай жазирамада ҳарбий либосда, бутун анжом-аслаҳасини эгига олиб бийдай чўлда машқ ўтаётган аскар бамисли олов нургаётган ҳароратни сезмайди гўё... Пайқаган бўлсангиз, ҳозирги хикоямиз ўзбекнинг ўз аскарлари, танти ўғонлари ҳақида.

Мардлар қўриқлайди Ватани



жаҳонда бўлаётган янгиликлар билан таништириб боришга ҳаракат қилишаётган.

Қисм командирининг муовини, зобит Тоҳир Жўраевни суҳбатга тортганимда у киши жилмайиб:

— Юз марта эшитганидан бир марта кўрган афзал, деган гап бор. Яхшиси, ўз кўзингиз билан кўрганингиз маъқул, — деди.

Шундан сўнг ҳарбий қисм бўйлаб биргаликда айландик. Қутубхонага кирдик. Анчагина китоб жамғармасига эга бўлган

лишига катта таъсир этмоқда.

Ҳарбий қисм бадий ҳаваскорлари ҳақида алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Чунки мазкур жамоа ижросидаги «Ўзбекистоним» қўшиғи республика миқёсида ўтказилган «Ўзбекистон — Ватаним маним» қўриқ-танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Лейтенант Акбар Жўраев сўзига прапорщик Муродилла Ҳакимов мусиқа басталаган ушбу қўшиқни шахсий таркиб билан ишлаш гуруҳи раҳбарининг ёшлар билан ишлаш бўйича ёрдамчиси, прапорщик Тоҳир Азизовнинг посбонларга хос шижоат

билан ижро этиши муҳислар олқишига сазовор бўлди.

Иккинчи хикоя

Қисм қўмондонлигига ҳар томонлама илғор, намунали зобит ҳақида ёзиш нияти борлигини айтганимда Аббор Нурматовни тавсия қилишди. Уйладикки, ёши ўтган, тажрибали бўлса керак. Янгилишбман. Катта лейтенант А. Нурматов ҳали ёш йигит экан.

— Сизнинг бўлимангизни энг намунали деб кўрсатинди, бунга қандай эришганизлар? — сўрайман ундан.

— Нима десам экан, бунинг ҳеч қандай сирини йўқ, Ютуқларимизнинг асосий

омили — қилиниши лозим бўлган ҳар бир ишни ўз вақтида пухта бажарамиз. Шароит қандай бўлишидан қатъий назар, бутун бажарилиши зарур бўлган вазифа ҳеч қачон эртага қолди-

рилмайди. Аскарларни ҳам шу тартибга ўратганимиз.

— Сизни қаттиққўл деб эшитдим...

— Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Жанговар хизмат вазифамиз шуни талаб қилади.

— Низомга зид ҳаракатлар умуман бўлмаслиги учун нималар қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Кузатув ва яна кузатув. Аскарларни бир дақиқа ҳам қаровсиз қолдирмаслик, бўш вақтларидан унумли фойдаланиш лозим. Иккинчидан, ҳар бир йигит билан чин дилдан самимий суҳбатлар ўтказиб, унинг ўй-фикри тўғри йўлга солинса, ҳеч қандай кўнгилсизлик бўлмайди, деб ўйлайман. Бунинг учун эса яна қайтариб айтман, доимий кузатув ва назорат зарур.

Учинчи хикоя

Ҳарбий хизматга эндиликда қаққиланган ёш аскарлар билан ҳолис, самимий гурунлашдик. Ҳар хил савол-

ларга бемалол жавоб беришларидан англадикки, низомга зид ҳаракатларга йўл қўйилмас экан. Деярли ҳар кунни ётиш олдида ёш аскарлар тана кўригилан ўтказиларкан. Гурунлдан сўнг ёш аскарлар сардори Умид Ботировни суҳбатга тортдим:

— Кўпчилик билан ишлаш осон иш эмас, — деди у, — бўлимада қанча аскар бўлса ҳар бирининг ўзига хос феъл-атвори бор. Уларни билмасдан туриб ҳарбий интизомни, қонун-қоидаларни, армия ҳаётини тушунтириб бўлмайди. Шўқри, йигитларимиз шеърорак, қалби қайноқ, Берилган ҳар қанча топшириқни ўз вақтида адо қилишади.

Умид Ботиров йигитларимиз қалби қайноқ деди. Рост гап. Бугун нафақат мазкур бўлимада, балки республикамизнинг барча қисмларида ана шундай йигитлар кўплаб топилади. Нурли келажагимиз, фаровон ҳаётимиз кўп жиҳатдан оловқалб ўғонларнинг беиннат хизматига боғлиқ.

Хулоса

Республика Ички ишлар вазирлигига қарашли ушбу ҳарбий қисм билан танишиш давомида бу ерда ҳаёт нақадар жўшқин эканлигига амин бўлдим. Бир гуруҳ аскарлар жанговар хизматдан қайтса, навбатдагилар етиб келади. Хуллас, ҳаммаси ўз ўрнида. Вазифалар ҳам аниқ белгиланган — тартиб-интизомни, аҳоли оқолинишларини сақлаш.

Зеро, юрт посбонлари оқолинишларини сақлашга қасамёд қилганлар ва аҳдларига содиқ қолгайлар. Шоир айтганидек:

Энди гуруҳ билан
боқар оталар,
Юрак гулҳанидан
кўздаги ўтлар.
Энди фарқ қилади
оддий йигитдан,
Ватан байроғини
ўпан йигитлар.
Озод РАҲАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
В. ПОРТНОВ олган
суратлар.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:
М. ЕГОРОВ

(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАВБОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ
(бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК

(бош муҳаррир
ўринбосари —
«Народное слово»),
М. САФАРОВ,
Р. ФАҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
Қишлоқ ҳўжаси —
136-37-85;
Маънавият ва маърифат —
136-35-60, 132-10-65;
Хатмлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш
тартиби
№ 00001

Буюртма Г — 0500,
27353 нусхалда босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида
босилган.
Қўғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамил ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир —
Қ. ЭШМАТОВ.
Навбатчи —
Ғ. ЭШМУРДОВ.
Мусалх —
Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми
5 қўғоздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонаси.
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топириш
вақти — 21.00
топириши — 01.15
1 2 3 4 5 6

ШАКЛЛАНАЁТГАН
ЧЕМПИОН

Комилжон Зафаров — 1982 йилинги ёшда Тошкент вилоятининг Зангиота туманида туғилган. Анчадан бундан спортнинг юнор-рум тури билан шуғулланибди.

— Комилжон, спорт билан жиддий шуғулланиш мактабдаги ўқиларингизга қалал бермайдими?

— Йўқ. Ҳар бир кунни ўзимча соатма-соат тақсимлаб қўйганман. Ўқиш ва юнор-рум кураши билан шуғулланиш баробарида уй-рўзгор ишларига ҳам вақт топаман.

— Нима учун айнан юнор-рум курашини танлагансан?

— Биринчидан, бу спорт турида мардлик фазилати ҳамма нарсалардан устун туради. Иккинчидан, одам доимо бақувват, тетик бўлиб юради.

— Бир кунда қанча вақт шуғулланасан?

— Ҳафтасига 4 кун. Кунига икки маҳал.

— Шу кунгача қандай ютуқларга эришдинг?

— 1998 йил ҳисобидан «Умид», «Мустақиллик» деб номланган ўсирилар мусобақаларида ғолиб чиқдим. Ҳаммаси бўлиб 60 дан ортиқ мусобақада қатнашиб, унинг 45 тадан кўпини ғалаба билан тугатганман.

— Оруларингиз, эзгу-мақсадларингиз нималардан иборат?

— Келажақда жаҳон чемпиони бўлсам, мамлакатимиз байроғини кўтариб шоҳсултаннинг энг баланд поғонасига кўтарилсам дейман.

— Машҳур спортчилардан кимларга ҳавас қиласан?

— Артур Григорянни яхши кураман. Дилшод Орипов, Баҳодир Курбановлардек бўлгим келади.

— Жаҳон чемпиони бўлишни учун сизга нималар керак?

— Вақт ва жиддий машқ қилишим зарур.

— Қандай унвонларинг бор?

— Ҳозирча биринчи разрядли спортчиман. Яқин орада спорт устаси деган номини олишни учун курашаётганман.






— Мактабда қандай ўқийсан?

— Баҳоларимнинг ҳаммаси «5» ва «4» даражасида.

— Спортдан бошқа яна нималарга қизиқасан?

— Келгуси йил ўрта мактабни тугатганман. Жисмоний тарбия институтига киришни ҳаракат қилибман.

«Халқ сўзи» мухбири,
Нормурод МУСОМОВ
суҳбатлашди.

ШАҲАР
КЎРКИ

Кейинги йилларда Сирдарё вилоятида спортни ривожлантириш борасида қатор ишлар қилинмоқда. Гулистон шаҳрида бокс саройи, бассейн, теннис корти каби бир қанча спорт мажмуалари барпо этилди. Бундай улкан ишларнинг амалга оширилиши шаҳарнинг кўрки бўлиб қолмасдан, балки Сирдарё ёшларининг спорт борасида муваффақиятларга эришишига яхши омил ҳамдир.

Яқинда Гулистон шаҳрида сузиш ҳавзаси қайта таъмирланди. Бу иш, асосан, вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан амалга оширилди. Айни пайтда сузиш ҳавзасида бир қатор мусобақалар ўтказилмоқда.

СУРАТЛАРДА: сузиш ҳавзасининг умумий кўриниши; кичик бассейнда болалар сузишни ўрганишмоқда; сув тўли бўйича машқ пайти.

Баҳром ТўРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.

ОЛТМИШ ИККИ
ЁШЛИ СПОРТЧИ

Жиззахлик спорт ишқибози, олтмиш икки ёшлик Абдумурод ота Султонов Москва ҳамда Нижний Новгород шаҳарларида ўтказилган кузги халқаро тинчлик марафонида иштирок этиб қайтиди.

— Осиё, Африка, Европа мамлакатларидан келган беш мингдан зиёд югурувчилар орасида мен мустақил Ўзбекистоннинг ягона вакили эдим, — дейди спорт фахрийси. — Шу боис этнимдаги кийимга лотинчалаб «Ўзбекистон» тамғасини босиб олдим. Фахрийлар марраси ўн чақирим эди. Мусобақа сўнггида марафон ташкилий қўмитаси раиси Вячеслав Фадеев мени байрам

Дилдора ҲАЙИТОВА,
ТошДУ журналистика
факультети талабаси.

Обуна — 99
ЖАВОБИ
ИЗЛАНАДИГАН
САВОЛЛАР

Емонлиқни Емонлиқ билан
егиб бўлмайди. Ҳазрати бо-
сиги учун божқаларнинг
қазбига минини шарт эмас.
Урушнинг тўхтатиш учун
уруш эълон қилиб мудоага
эришмайди. Бу оддий
ҳақиқат дунёда ҳаммага
аён. Лекин унга ҳамма ҳам
амал қилавермайди. Амал
қилиш учун нима қилиш ке-
рак? Унга амал қилмаслик-
дан бошқа йўл борми? Дунё-
да яхшиликнинг доимо ғолиб
бўлиши учун нималар қилиш
зарур?

«Давр» ҳафталигининг навбатдаги 14-сонидаги мақолалар, ахборотлар, янгиликлар, муждалар, мушоҳадаларнинг ҳамма-ҳаммасида ана шундай саволларга, муаммоларга жавоб изланади. Ҳафталикдаги «Бу қадим йўллар», «Атласда жингаланадиган меҳнат», «Меҳр — мурувватдан тугилади», «Бреда Мерфини излаб», «Василий Сталиннинг сўнгги йўллари», «Адолат ҳимоясиз қолса», «Низолар сабабчилари», «Гаровга қўйилмаган эркаклар», «Отам кексарлигини, одам!» мақолаларида юқоридаги саволларга матлум даражада жавоб топилади.

Албатта, бундай саволларга ҳар бир одамнинг кўнглида ўз жавоби бўлади. Ва бундай саволларга жавобларни ҳар ким ўзига хос тарзда қабул қилади. Шундай экан, келинг, ҳафталикни ўзингиз сотиб олинг ва ўқиб кўринг. Агар кейинги йилга обуна бўлман десангиз, марҳамат, обуна ишлари алоҳида бўлимларда давом этмоқда.

Ҳафталикнинг нашр кўрсаткичлари:

«Давр» учун — 572,
«Халқ сўзи» ва «Давр»
учун — 581.

Ўзбекистон Республикаси Деҳқон ва фермер ҳўжалиқлари уюшмаси меҳнат жамоаси маркетинг, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишни мувофиқлаштириш бўлими бош муҳассиси Н. Раҳматуллаева акиси
Зукрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ-
нинг
бевақт вафот этганилиги муносабати билан чуқур ҳам-
дардлик ихҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги раҳбарияти ва жамоаси «Қўқон иссиқлик тармоқлари» корхонаси директори Мақеуд Муҳиддиновга онаси
Раҳимхон ва УСМОНОВАнинг
вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия ихҳор этади.
«Гушт-сут-салво» Давлат савло ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси «Термиз гушт-сут-салво» корхонаси раҳбари Омон Журакуловга волидаи муҳтарамаси
Қўрбоний ЖўРАҚУЛОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихҳор қилади.

Тошкент Молия ва иқтисодиёт коллежи маъмурияти ва касба уюшмаси директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи муовини Зўҳраҳон Муродовага волидаи муҳтарамалари
Ҳамид ва ХўДОЙНАЗАРОВААнинг
вафот этганилиги муносабати билан чуқур таъзия ихҳор этади.
Тошкент Ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг раҳбарияти, «Олий математика» кафедраси жамоаси кафедра доценти М. Нуриддиновга онаси
Зикрилло НУРҲЎЖАЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихҳор қилади.

«КАРТОНСАНОАТСАВДО» ОТАЖ

ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ТАКЛИФ ЭТАДИ:

Ҳар хил мақсадлар учун турли ҳажмларда гофрокартондан тайёрланган қутилар.

Уч ва беш қатламли гофрокартонлар.

Ўраш учун қоғозлар, қадоқлаш учун картон.

Сабзавот меваларни сақлаш ва жўнатиш учун қутилар ва лотоклар.

Мебель ва хонадон деворлари шифтини қоплаш учун қоғозли-тонали плиталар. Ўлчам 150х300 см. ва бошқа.

Картон ва қадоқлаш материалларига флексографик усулда босма босиш учун босма шакллар (клише).

Юқоридаги маҳсулотлар ҳомашё (макулатура, целлюлоза)кеатириб берилган ҳолда ҳам тайёрлаб берилиши мумкин.

Буюртмага кўра, қадоқлаш идишларига уч рангдаги турли хил расмларни тушириб бериш мумкин.

Сифат жаҳон стандартлари Нархлар келишув асосида, Тўлов шакли талабига жавоб беради. бозордагидан арзон. турлича.

Маълумот учун телефонлар, Ангрендаги: (37166) 34-452, 37-426; Тошкентдаги:(3712) 35-19-62, факс:(37166) 26-651. факс: 35-20-42.

ДОРИХОНА РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Ҳозирги кунда «ЎЗХИМФАРМ» ОТХЖ корхонасида сотувда қуйидаги дори-дармонлар турлари ва тиббиёт маҳсулотлари мавжуд:

1. Кворцетин таблеткаси № 25
2. Рутин таблеткаси № 50
3. Пооролон таблеткаси №50
4. Медамин таблеткаси № 10
5. Сурткин дорилар
6. Ҳар хил турдаги боғлов воситалари.

Харид келишилаган Нархларда амалга оширилади.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 23. тел: 56-71-66, 56-71-68. факс: 54-63-59.